Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 18 июль, сешанба. №86 (22.849.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ноширчилик, маданият ишларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, матбуот ва журналистика соҳасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Жўраев Зуфаржон Ортиқович — «Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари

Мажитхўжаева Муҳаббат — «Ўзбекистон» нашриётининг катта мусаҳҳиҳи

Қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Абдукаримов Суръат Солиҳович — «Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари

Мансуров Шомуҳиддин — «Ёзувчи» нашриётининг директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Алимов Абдумалик Мажидович — «Ўзбекистон» нашриёти таъминот, реклама ва китоб тарқатиш бўлимининг I тоифали мутахассиси

Диёрова Валентина Михайловна — «Ўзбекистон» нашриётининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Конеева Роза Зияевна — «Ўзбекистон» нашриётининг бош ҳисобчиси

Маҳмудова Маҳсума Акбаровна — «Ўзбекистон» нашриётининг I тоифали матн босувчиси

Медведева Валентина Селимовна — «Ўзбекистон» нашриётининг буюртма адабиётлар муҳарририяти катта муҳаррири

Собирова Сония — «Ўзбекистон» нашриётининг II тоифали техник муҳаррири

Шоғуломов Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 июль.

Шу куннинг нафаси

Ҳамкорлик

ШАРТНОМА ИШ БЕРМОҚДА

Самарқанд шаҳрида иш бошлаган «Асклепий» фирмаси дорихоналарида айни пайтда 500 хилга яқин дори-дармонлар сотилмоқда. Булар чет эллардаги «Апжон», «Бофурипсен», «Осельва», «Бристоль-майре» сингари фирмалар ва Россиянинг бир қанча шаҳарларидаги фармацевтика заводларидан ўзаро шартнома асосида келтирилаётир.

Дорихонанинг ўзида Вишневский малҳами, йод ва бошқа дориларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Келгусида франциялик мутахассислар билан ҳамкорликда табобат пахтаси ҳам тайёрланади. Ҳозир «Асклепий» фирмасига дори-дармонлар етказиб беришини сўраб Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам мурожаат этишяпти.

Н. ТЎЛАГАНОВА.

Ҳиссадорлик


АНДИЖОНДА БИРИНЧИ САВДО

Андижон шаҳрида республика — «Тошкент» фонд биржасининг мамлакатда биринчи виloятлараро «Шарқ ЛТД» шоҳобчаси очилиб, дастлабки савдо бўлиб ўтди. 24 та акционерлик жамиятлари акциялари ва фонд биржасининг 4 та брокерлик ўринлари эркин савдога қўйилди. 19 та ҳиссадорлик жамиятига тегишли 10 миллион 347 минг 160 сўмлик қимматбаҳо қоғозлар харид этилди.

— Республика «Тошкент» фонд биржаси шоҳобчасининг очилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акционерлаштиришни жадаллаштириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини бажариш йўлидаги ҳаракатларимиз натижаси бўлиб, Фарғона водийсида фаолият юритаётган акционерлик жамиятларининг мамлакат миқёсида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришни жадаллаштиришга хизмат қилади, — дейди республика Давлат мулки қўмитаси Андижон вилоят бошқармасининг бошлиғи Н. Акбаров.

«Тошкент» фонд биржасининг Андижондаги вилоятлараро шахобчасида ҳар ойда мунтазам очиқ савдо ўтказиб борилади.

С. АҲМАДИЛЛАЕВ.



Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларидан. Шу боис бу ерда қишлоқ хўжалигининг барча турдаги экинлари фақат оби-тобини, тилини билган деҳқонларга эртанги ва баракали ҳосилни бера олади. Бу йил ҳам шундай бўлмоқда.

Воҳанинг Шеробод тумани Н. Муродов номли жамоа хўжалигида ҳам ҳосил чўғи яхши бўлиши кутилмоқда. Хўжаликнинг 3730 гектарлик ерида ҳозирда 70 чопиқ трактори унумли ишлатилмоқда.

СУРАТДА: хўжалик бош ҳосилоти Мамарайим Мирзаевни пайкал оралаётган кезда кўриб турибсиз.

И. Хўжаев (ЎзА) олган сурат.

Республика прокуратурасида

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Республика прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У Президент Ислом Каримовнинг яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг муҳокамасига бағишланди.

Мажлисда Республика Президентининг янги асари мамлакатимиз тараққиёти учун тарихий қимматга эга бўлиб, унда ҳам назария, ҳам амалиёт ва сиёсат масалалари узвий ифода этилгани таъкидланди. Китобда ислоҳотларнинг биринчи босқичига якун ясалиб, хулоса ва сабоқлар чиқарилгани, иқтисодиётни ислоҳ қилиш иккинчи босқичининг ўзига хос хусусиятлари, устувор йўналишлари илмий асослаб берилгани айниқса катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда республика бош прокурори ўринбосари Р. Қодировнинг прокуратура идораларининг жорий йил биринчи ярмидаги иш якунлари ва навбатдаги вазифалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Ҳайъат мажлисида республика Бош прокурори Б. Мустафоев жиноятчиликка қарши кураш борасида, прокуратура ходимларининг касб малакасини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадига қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари, гиёҳвандликка қарши кураш, Марказий Осиё давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик масалалари тўғрисида сўзлади. Оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

«Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Республикадаги зарар кўриб ишлаётган барча корхоналарнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини ўрганиш мақсадида иловага мувофиқ таркибда ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. Комиссияга қуйидаги вазифалар юклансин:

1995 йилнинг биринчи ярим йили якунлари бўйича зарар кўриб ишлаётган ҳар бир корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини пухта таҳлил қилиш, бунда мунтазам зарар кўриб келаётган корхоналарга алоҳида эътибор бериш;

зарар кўриб ишлаётган ҳар бир корхона бўйича, кейинчалик уларни банкрот бўлган, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун, «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган тартибга тўлиқ мувофиқ равишда Олий хўжалик судига тегишли таклифлар киритиш. Бунда ишловчилар сонига, корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фондларига ва техника билан таъминланганлигига, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот турларига, унинг ишлаб чиқариш-технология жараёнидаги аҳамиятига алоҳида эътибор бериш;

ишловчиларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ҳимоялашни таъминлаган ҳолда, қабул қилинган қарорларни меҳнат жамоаларига маълум қилиш;

кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва бошқа жавобгарлик чораларини қўллаш. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар ва ташкилотлар айрим раҳбарларининг барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашга ўзининг тўлиқ қодир эмаслигини турли сабаблар ҳамда давлат органларига ва ўзга ташкилотларга ағдариш билан яшириши ҳолларига йўл қўймаслик;

зарар кўриб ишлаётган корхоналар бўйича ишларнинг аҳволини ўрганиш якунларини ва қабул қилинган қарорларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш, бунда ушбу корхоналарни банкротликка олиб келган омиллар ва сабабларнинг тушунарли очиб берилишини таъминлаш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган ишлар натижалари республика ҳукуматининг 1995 йилнинг октябридаги мажлисида маълум қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 июль.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

15 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида истеъмол бозорини энг зарур моллар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Мажлисда республика комиссиясининг аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ўринбосарлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда белгиланган вазифаларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда «Ўзбексавдо» уюшмаси ва Ўзбекбирлашув томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилишининг аҳволи муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва кўпчилик вилоятларнинг ҳокимликлари томонидан энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва айрим истеъмол молларини марказлашмаган манбалар орқали харид қилиб келтириш бўйича ўз вақтида зарур чоралар кўрилгани эътироф этилди.

Натижада белгиланган топшириқлар ортиғи билан бажарилгани, кундалик эҳтиёж молларининг заҳиралари етарлича тўпланган, бозор иқтисодиёти тақозосига кўра, аҳолини энг зарур кундалик эҳтиёж моллари билан маҳаллий ҳокимликлар томонидан ички имкониятларни тобора кўпроқ ишга солиш орқали таъминлаш сезиларли даражада яхшиланиб бораётгани, бу борада жойларда боқимандалик кайфияти барҳам топаётгани таъкидланди.

Четдан дон харид қилиб келтириш ярим йиллик топшириқларини тўла уддаламаган Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари танқид қилинди. Улар ярим йиллик топшириқларнинг бажарилмаган қисмини йилнинг учинчи чораги топшириқлари билан бирга биринчи октябрга қадар тўлиқ адо этилишини таъминлаш зарурлиги ҳақида огоҳлантирилдилар.

«Ўзбексавдо» уюшмаси ва Ўзбекбирлашув раҳбарларининг истеъмол бозорини тўлдириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳукумат қабул қилган айрим қарорларнинг ижроси тўғрисида ахборот берди.

(ЎзА).

ҒАЛЛА НЕГА МЎЛЖАЛДАГИДЕК БЎЛМАДИ?

Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Ана шу мақсадда Бухоро вилояти деҳқонлари ҳам ўтган йил кузда 55 минг гектар ерга ғалла экишди. Аммо, бугунга келиб ғалвир сувдан кўтарилганда, айрим хўжаликлар, туманлар ва вилоят ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида ғалла етиштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлиб қолди.

Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ғаллакорлари гектар бошига ўртача 35—40 центнердан ҳосил кўтариб, маррани қисқа муддатда эгаллаган бўлса, Бухорода бу кўрсаткич ўртача 20,4 центнерни ташкил қиляпти. Ҳосилдорлик Олот туманида гектар бошига ўртача 16,3, Ромитан ва Жондор туманларида 17,9, Шофиркон туманида 19,7 центнердан ошмади.

Бунинг сабаби нимада? Вилоятда ғалланинг 40-50 фоизи унумсиз, қурғоқчил майдонларга, қолганлари эса пахтазорга — ғўза ораларига экилди. Натижада кўчат униши қийин бўлди. Маҳаллий шароитга мос келадиган дон навлари экилмаганлиги, далалар ўз вақтида ўғитланмаганлиги ҳам ишга салбий таъсир этди. Натижада баъзи туманларда давлатга дон сотиш режаси етмиш фоиз ҳам уддаланмади.

Ўрим-йиғим мавсуми чўзиб юборилди: 20 иш куни ўрнига 40 кун давом этди. Кўпгина майдонларда буғдой қовжираб, ҳар гектар ерда 1—2 центнергача дон бой берилди. Комбайнлар тўла қувват билан ишлатилмади.

Бухоро вилояти ҳокимлигида 14 июль куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда ана шу масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишни Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов бошқарди. Унда Олот, Пешку, Қоракўл, Ромитан туманлари ҳокимлари, шунингдек, вилоятдаги қишлоқ хўжалигига дахлдор ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Улар фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар кескин танқид қилинди. Келгусида бундай камчиликлар такрорланмаслиги учун зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Самарқанд вилоят нефть маҳсулотлари базаси янгитдан қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги база Пасдаргом туманидаги Қ. Тураев номли жамоа хўжалиги ҳудудида барпо этилди. Бу ерда корхона ва ташкилотларни ҳамда аҳолини нефть маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, хизматчилар учун сауна, дам олиш хоналари, истироҳат боғи барпо этилди. Айниқса, ёнилғини ташиш ва қуйишда ишнинг пульт орқали бошқарилиши мутахассисларга қўл келмоқда.

— Мавжуд нефть маҳсулотларини тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида юздан зиёд пунктларда техника воситаларини янгилашга ва такомиллаштиришга эришдик, — дейди вилоят нефть маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи С. Норқулов. — Ёнилғи қуйиш жараёни тўла автоматлаштирилди. Бундан ташқари шохобчалар атрофида машина созлаш ва бошқа сервис хизматлари ташкил этилди. Бугун-эрта ўнта ёнилғи қуйиш шохобчасини аукцион орқали ким ошди савдога қўямиз.

Янги нефть маҳсулотлари базасининг очилиш маросимида Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдурахмонов иштирок этди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА НАФИ

Уста Ҳотамқулнинг ўғли Ҳайитбой ака Жалолқудуқ туманидаги йўл қурилиши идорасида ишларди. 30 минг километрдан кўпроқ йўлга асфальт ётқизишда, савобли иш — кўприклар қуришда қатнашган. Нафақага чиққан чоғида ҳам чеккада туришни ўзига эп кўрмай, ёшларга хос ғайрат билан тадбиркорлар қаторига қўшилди. Қишлоқда кичик корхоналар бунёд этяпти. Бир кеча-кундузда 1,5 тонна буғдой тортадиган тегирмон, 8 соатда 40 тонна донни озуқа-емга айлантирадиган цех, кунига 10 тонна шолини гуруч қилувчи обжувоз, мойжувоз, кисқаси, қишлоқбоп кичик корхоналар мажмуини қуриб ишга туширди. Мойжувозни юргизиб, тайёрланган ёғнинг сифатини тегишли ташкилот ва муассасалар назоратидан ўтказиб, сўнг истеъмолга чиқарди. Шу ернинг ўзида совун чиқаришни йўлга қўйди.

Ҳайитбой аканинг кичик корхона мажмуини таърифласа арзийдиган томонлари кўп. Тегирмонга келтирилган буғдой шу ерда бир пивла чойни ҳўплагунингизча сараланади. Кичик корхоналардаги иш шароити ҳам ўзига хос. Аксарият иш жабҳаларида чанг-ғубор йўқ ҳисоб. Бундай бўлишининг боиси ҳаракатланаётган дастгоҳ ва механизмларнинг деярли барчасини Ҳайитбой аканинг ўзи кўнгилдагидек қилиб мослаб ясаганида. Аксарият ишлар механизациялаштирилгани боис бутун кичик корхоналар мажмуини икки киши — Ҳайитбой отанинг ўғли Назиржон, куёви Одилжон бемалол бошқаришади. Тадбиркор бобо кичик корхоналарни бу ҳолатга келтиргунча озмунча тер тўкмади. Кун тиғида, қишнинг қировли кунларида ҳам шаштидан тушмай уринди. Кўп йиллик тажрибаларини қўллади. Оддий кўринган тегирмонга тушган буғдой унини бир неча навга ажратиш учун қўлланилган тўр қаватларни аниқ жойлаштириш учун тунни тонгга улади.

Кичик корхоналар фаолиятини изга солган ота режасининг иккинчи босқичини бажаришда ҳам дадиллик кўрсатди. Деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этди. Кичик корхоналардан тушган маблағ ҳисобига молхонасига 10 бош сигир, бузоқ боғлади. Жалолқудуқ туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги озуқа экинлари учун ер ажратиб берди. 1994 йилда давлатга 27 тонна сут, анча гўшт топширилди. Бу йилнинг биринчи чорагида 5,5 тонна сут, 1100 килограмм гўшт сотилди. Ҳозир 13 бош сигир, 16 бош қўй, 2 та от боқиляпти. Топширилаётган сутга-сут қўшилиши ҳам аниқ.

Бу ерга қадам ранжида қилганлар кўп. Улар иш ўрганишга келади.

— Тадбиркор ишининг ривожи ҳисоб-китоб билан дадил ҳаракатидадир, — дейди Ҳайитбой ака. — Ҳаракатларимиз туфайли дастурхонимиз тўкинлашяпти. Илоҳо, тинчлик, тўқчилик барқарор бўлсин. Меҳнат қилиш эса ҳаммамизга насиб этиб, роҳатини кўраверайлик.

66 ёшга етган отанинг ниятлари ҳали кўп. Шундай тадбиркорлар эртанги фаровон кунларимиз кафолати, дегимиз келади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини кўриб чиқувчи ҳукумат комиссиясининг таркиби

1. **Хамидов Б. С.** — Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси,

2. **Муллажонов Ф. М.** — Марказий банк раиси, комиссия раисининг ўринбосари,

3. **Абдусаломов М. Э.** — Олий хўжалик судининг раиси, комиссия раисининг ўринбосари,

4. **Каримов Р. К.** — Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт бўлими мудири, комиссия котиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

5. **Обидов О. О.** — Меҳнат вазири,

6. **Алимуллаев У.** — «Ўзсавдогарбанк» раиси,

7. **Аҳадов А. А.** — Олий Мажлис қўмитасининг раиси (келишув бўйича),

8. **Гофуров Ш. Р.** — Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари,

9. **Гатаулин Ш. Қ.** — Давлат солиқ қўмитасининг раиси,

10. **Голишев В. А.** — «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари,

11. **Иботов А. И.** — «Ўзсаноатқурилишбанк» раиси,

12. **Мардиев А. М.** — Адлия вазири,

13. **Мирсафоев С. М.** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси,

14. **Музаффаров Ў. Ш.** — «Мевасабзавотбанк» раиси,

15. **Мустафоев Б. М.** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,

16. **Сайфуддинов Ж. Б.** — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» раиси,

17. Ҳудудида зарар кўриб ишлаётган корхоналар жойлашган тегишли шаҳар, туман ҳокимлари.

Меҳнаткаш одамлар орасида

УЗУН КУНДУЗЛАР ВА ҚИСҚА КЕЧАЛАР

Бир пайтлар ҳамма ердан қочарди. Ҳозир ҳамма ерга интилади. Одамлар бир қарич ери бўлса ҳам буғдой экқан.

Ёзнинг куни ҳам, ташвиши ҳам узун. Ороми эса кечаларидек қисқа. Қашқадарёнинг Касби туманидаги Алишер Навоий номидаги давлат хўжалигида кеч соат тўққизда қош қорааяди, тонгда соат тўртга қолмай уфқ оқаради. Деҳқон, тун уйқусига қонмаган деҳқон шундоқ ҳам қисқа кечани ўз бедорлиги ила тағин-да қисқартиради.

— Тунда ҳам ғалла ўраверардик, бироқ комбайннинг чироқлари қанчалик кучли ёритмасин, чанг-тўзон ва қоронғуликка аралашиб, ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолади.

— Эрталаб соат бешда комбайн буғдойзорга киради. Кеч соат ўн бирда тўхтайди. Қачон дам оласиз, деб сўраяпсизми? Бир соат тушлик танаффусида.

Бу гап-сўзларни Файзулла Маматов бошлиқ бригада даласида бўлганимизда комбайнчилар Тўрахон Аслонов, Олтибек Алиқулов, Абдурашид Маматмуродовнинг гурунгида эшитдик. Уларнинг ҳар бири кунига 5—7 гектардан ғалла ўрмоқда. Ўрилган ҳар гектар ғалла учун ҳайдовчига 90 сўмдан ҳақ тўланади. Бундан ташқари, 50 килограммдан буғдой, сомон, ўроқда ўрилган ҳар гектар ғаллага 400 сўм пул, 250 килограмм буғдой, 1 тонна сомон берилмоқда. Бу натура тўлов эмас, меҳнат ҳақидан ташқари. Ана шундай моддий манфаатдорлик учун ҳам кўпчилик бошқа соҳа кишилари бу йил ғалла ўримига чиқмоқдалар. Хўжалик ҳозирга давлатга уч минг тонна ғалла етказиб берди. Ҳосилдорлик қирқ центнерни ташкил этмоқда.

Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказишда хўжалик партия ташкилоти бўғинларининг таъсири катта бўлмоқда. Қорахўжа қишлоғи цех партия ташкилоти котиби Ниёзқул Турдиқулов юқори партия ташкилотларининг қўйи бўғинларга эътибори кучайгани, натижада, ишлаб чиқаришда партиянинг таъсир кучи ошганини эътироф этади. Бу эса партиянинг одамлар ўртасидаги нуфузи ва унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлайди. Н. Турдиқулов партия, ҳукуматимизнинг ҳар бир қарори, ҳужжатлари цех партия ташкилотларида муҳокама этилаётганини айтди. Унинг кузатишича, котиблар юқори партия ташкилоти бошқарувида ҳеч бўлмаса маслаҳат овозига эга бўлишлари керак. Шунда партия ташкилоти бўғинларидаги ўзаро муносабатлар силлиқ кечади.

Н. Турдиқулов кўп йиллик партия иши тажрибасига эга. Унинг кузатишлари асосли эканига ишонса бўлади. У асли ҳисобчи бўлишига қарамай, бевосита ишлаб чиқариш жойларида ҳаммаслакларидек бирга бўлади.

Ғалла ўрим-йиғимини хўжалик партия ташкилоти ўз оталигига олган. Ботир Арабов етакчилик қилаётган партия ташкилоти хўжалик касаба уюшмалари ташкилоти билан ҳамкорликда комбайнчилардан иборат учта гуруҳ тузган. Бу гуруҳлар, хусусиятларига кўра партия постларига ўхшайди. Комбайнчиларнинг бепул овқатланишлари ташкил этилган. Гуруҳ раҳбарлари Рашид Бекматов, Баҳриддин Турдиқулов, Тўрахон Ражабов ХДП аъзоларидир.

А. Навоий номидаги давлат хўжалиги ҳудудида 13 та қишлоқ, 2 та микротуман, 7 та мактаб, 6 та болалар боғчаси бор. Аҳолиси — 22 минг. Йиллик пахта режаси — 7 минг тонна. Ғўзаларнинг ҳозирги кундаги ривожи яхши. Давлатга пилла сотиш режаси ҳам ортиғи билан адо этилди: 19 тонна ўрнига 20 тонна «қумуш тола» етказиб берилди.

Хўжалик бошланғич партия ташкилоти ҳисобида ўн иккита цех партия ташкилоти бор. Уларнинг етакчилари асосан ёшлардир. Аъзоларнинг катта ярмини ҳам ёшлар ташкил қилади. Шу йилнинг ўтган даврида маслакдошлар сафи йигирма нафарга кўпайди. Аризалар сони яна кўпаймоқда.

Қорахўжа қишлоғи цех партия ташкилоти котибларидан Ҳамро Қорақулов тадбиркор бригадир. Ўзи жувозхона, тегирмон очган. Хўжалик партия ташкилоти котиби Ботир Арабов сафимизда тадбиркор, ишбилармонларнинг борлиги қўл келмоқда, зарур пайтда улар бизни моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлайдилар, дейди. Бошланғич партия ташкилоти хўжалик раҳбарияти билан келишиб, ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам талай ишларни амалга оширди ва оширмоқда. Наврўз ва ҳайит байрамларида, Хотира куни, болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунида қаровчисиз қолган қариялар, уруш ва меҳнат фахрийларига ун, ёғ, гуруч, совун, шакар тарқатди. 153 нафар болага 50 килограммдан ун, ёғ бепул берилди. Ҳозир хўжаликда тўрт мингга яқин ишчи бор. Уларга эллик килограммдан ун тарқатилмоқда. Ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатаётган партия аъзолари «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилинмоқда. Уларга хўжалик бошқаруви ва партия ташкилотининг «Фахрий ёрлиқ»лари берилмоқда.

Ғалла ўрим-йиғимини ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун илғор ёшлардан ўроқчилар гуруҳи тузилган. Улар ётиб қолган галлазорларда буғдой ўрмоқдалар. Хўжалик партия ташкилоти ғалла ўрим-йиғими компаниясини ҳам ўз назоратига олган. Шунинг учун котиб Ботир Арабовнинг шу кунларда бир дақиқа ҳам тиними йўқ.

Партия ташкилоти ўқувчиларнинг ёзги таътилини кўнгилдагидек ўтказишларини ҳам ўзи назорат қилмоқда. Хўжалик раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Зикриё Асроровнинг ташаббуси билан қаровсиз ётган ўн гектар ер ободонлаштирилиб, маданий дам олиш ва соғломлаштириш мажмуи қурилиб битказилмоқда. Бу баҳаво ва салқин оромгоҳда ёзда болалар уч сменада дам олишади. Оромгоҳ ҳар сменада хўжалик меҳнаткашларининг юз нафар болаларини қабул қилади. Қиш ойларида Фотиҳ Мусин номидаги мазкур масканда хўжалик меҳнаткашлари дам оладилар ва саломатликларини тиклайдилар. У қишда, мавсумий бўлса-да, санаторий-профилактория айлантирилади. Унда қўли енгил шифокорлар меҳнат қилади. Оромгоҳ атрофида беш гектарлик янги боғ қад ростлади. Бу ерда ферма очиб, ёрдамчи хўжалик тузиш, шу тариқа оромгоҳни ўз-ўзини қоплаш тизимига ўтказиш кўзда тутилмоқда. Энг қизиғи, оромгоҳнинг бутун инфраструктурасини хўжалик раҳбари Зикриё Асроров ўзи ишлаб чиққан. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, кўп йиллардан буён турли даражадаги хўжаликларни бошқариб келаётган тажрибали мутахассис Зикриё Асроров раҳбар бўлиб келгач, хўжалик қиёфаси бутқул ўзгариб кетди. Хўжаликда жуда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Қишлоқлар ободонлаштирилди. Табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Янги-янги боғлар, хиёбонлар, *қушма ва кичик корхоналар, замонавий ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди. Ижтимоий ҳимоя кучайтирилди. Президент ва ҳукумат фармонларининг ижроси қаттиқ назоратга олинди. Аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида жиноятчилик кескин камайди. Хусусан* ер, ҳаммамизни боқадиган ва кийинтирадиган ер ўз эгасига — деҳқонга қайтарилмоқда. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилаётир.

Ботир Арабов хўжалик ишларидан бехабар партия етакчиси эмас. У кўпроқ бевосита меҳнат корхоналарида бўлади. Хўжаликнинг икки мингга яқин қорамоли бор. Уларнинг самарадорлигини ошириш, чорвадорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳам партия етакчисининг қизиқишлари доирасида.

Ботир Арабов одамларни танлашни билади. Синчков. У хўжалик ғиштзаводи тақдирини ишбилармон Мирзо Ганжиевга ишонишга мумкинлигини англаб, раҳбарият билан шу борада маслаҳатлашди. Давлат хўжалиги заводни Мирзо Ганжиевга хусусий қилиб берди. Корхона мустақил, аммо ўртада шартнома бор. Хўжалик мулкдорга техникадан, мулкдор эса хўжаликка ғиштдан ёрдам беради.

Хўжаликда янги консерва заводи қурилиши битай деб қолди. Ишга тушгач, бир линиясининг бир йиллик даромади ўн миллионлаб АҚШ долларини ташкил қилади. Заводда учта линия бўлади. Бири мамлакатда биринчи бўлиб «кетчуп» деб номланган маҳсулот тайёрлайди. Қолган икки линияси мева-сабзавотни қайта ишлаб чиқади ва консервалайди. Турли-туман компот ва шарбатлар тайёрлади. Завод маҳсулотлари асосан Хитой ва АҚШга экспорт қилинади. Заводни хусусийлаштириш назарда тутилмоқда. Италиянинг бир фирмаси билан шартнома тузилди. Ўзбекистон Республикаси Суғурта ширкати завод қурилишига ҳомийлик қилмоқда. Заводдаги барча технология чет элники бўлади. Бир гуруҳ ишчилар хўжалик раҳбари бошчилигида Италияга бориб, у ердан ишни қандай ташкил қилишни ўрганиб қайтдилар. Заводда саксон нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Кейинчалик у кенгайиб боради. Хизматчилар асосан хотин-қизлардан иборат бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш тўғрисидаги қарори хўжаликда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Яқинда иккинчи бўлимдаги чойхона ҳам хусусийлаштириб берилди. Хўжаликда хусусийлаштирилган гилам цехи ишлаб турибди. Уни бутун авлоди тадбиркорлар ҳисобланмиш Боболовлар бошқаради. Цехда ҳозир араби гиламлар ва ҳар хил харидоргир товарлар тайёланмоқда.

Шу ҳудудда хўжалик ҳисобидан болалар тиббиёт маскани қурилди ва иш бошлади. Бино туман касалхонаси ихтиёрига топширилган бўлса-да, унда хўжалик меҳнаткашларининг фарзандлари даволанади.

Хўжалик туман «Автобаза»сига ҳам ун, ёғ, гуруч ва бошқа нарсалардан қарашиб туради. «Автобаза» эса ўз навбатида хўжаликка техник хизмат кўрсатади.

Хўжалик «Мерседес-Бенц» фирмасидан юк машиналарни сотиб олишни кўзлаяпти. Унда у ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри чет элга жўнатадиган бўлади.

Бу ерда иккита мустақил фермер хўжалиги бор. «Ширбулоқ» ва «Касби» ҳиссадорлик жамияти ўз ҳисоб рақамига эга.

80 гектарга яқин боғ хусусий қилиб берилди. Хўжалик билан шартнома борлиги учун улар ўз маҳсулотларини хўжаликка сотади.

Энг муҳими, хўжалик меҳнаткашларининг кайфияти баланд. Ҳар ким ўз меҳнатидан баҳраманд бўлмоқда. Бунёдкорлик руҳини яратишда бошланғич партия ташкилоти ўзининг тарғибот-ташвиқот ишлари билан кўпчилик эътиборига сазовор. Президент ва ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатнинг, барча соҳадаги ислоҳотларнинг моҳияти, Олий Мажлис сессияларининг материаллари жойларда аҳолига тушунтириб борилади. Партия ташкилоти хўжалик ҳудудидаги боғча, ясли ва мактаблар билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. Боғчалардаги рус ва хорижий эртаклар асосида ишланган расмлар, тасвирлар ўзбек ва шарқ афсоналари, достонлари йўриғида ишланган манзаралар билан алмаштирилди. Хўжалик мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, уларни сифатли қилиб таъмирлаш учун ўз имкониятларидан фойдаланмоқда. Истак билдирган ўқитувчилар турар жой ҳисобидан партия сафига қабул қилинмоқдалар.

Хўжаликдаги маҳалла қўмиталари раисларининг ҳаммаси ХДП аъзоларидир. Бу аъзолик уларнинг одамлар тақдирига бўлган масъулиятини оширади. Улар элнинг тўй-маъракасида, ҳашар ёки бошқа ишларнинг бошида турадилар. Меҳнат жойларида бўлиб, Президент ва ҳукуматимиз қарор ва ҳужжатларини, Олий Мажлис сессияси материалларини тарғиб қилиш ва аҳолига етказишда жонбозлик кўрсатадилар.

Хўжалик бошқаруви идорасида партия ташкилотининг махсус хонаси бор. У дид ва ҳафсала билан безатилган. Янги китоблар, газета-журналларни шу ердан топиб ўқиш мумкин. Партия ҳаётига оид адабиётлар алоҳида бурчакда. ҲДП ташкилотлари тизими, хўжалик бошланғич партия ташкилоти тизими чизмалари акс этган плакатлар мавжуд. ХДП марказий, вилоят, туман, хўжалик бўғинлари раҳбарлари ҳақидаги маълумотлар бир стендан жой олган. Хўжалик «Ҳурмат тахтаси»да ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатаётган илғор партия аъзоларининг фотосуратлари, улар ҳақидаги маълумотлар кўриш мумкин. Ватанимизнинг тарихи, мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлашдаги йўли ҳақида кўргазмали бурчак ташкил этилган. Хўжалик ижтимоий ва маданий ҳаёти алоҳида альбомда муҳрланган. Партия ташкилоти хонасида хўжалик хотин-қизлари, ёшлари ҳаёти, уларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни билан ҳам танишиш мумкин. Шунингдек, бу ерда танқидий руҳдаги варақа ҳам чиқариб турилади. Унда хўжалик ҳаётидаги салбий ҳолатлар ва унинг сабабчилари танқид қилинади.

Бу хонани бошидан охиригача хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби, изланувчан партия ходими Ботир Арабовнинг ижоди дейиш мумкин.

Ёзнинг куни ҳам, ташвиши ҳам узун. Ороми эса кечасидек қисқа. Деҳқон, тун уйқусига қонмаган деҳқон шундоқ ҳам қисқа кечани ўз бедорлиги ила яна-да қисқартиради. Ким қўлида ўроқ, ким кетмон, ким чўпон таёғини тутиб, ҳовлидан чиқади...

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Фарғона туманидаги Тожихон Шодиева номли боғдорчилик жамоа хўжалиги боғбонлари бу йил мавжуд 610 гектар мевазор боғдан 1802 тонна узум, 686 тонна олма, 40 тонна нок ва беҳи, 480 тонна шафтоли, 294 тонна ўрик ва 13 тонна гилос йиғиб олишни кўзда тутганлар. Шу мақсадда ҳормай-толмай меҳнат қилган боғбонлар мавсумда мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда ғарқ пишган ўрик, гилос, шафтоли ва олма меваларини териш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Биз бозор иқтисодиётига ўтиш давомида бевосита жамоа хўжаликларига боғлиқ бўлган яна бир фойдали нарсани тушунгандек бўлдик. Жамоа хўжалиги ўзи етиштирган хом ашёни хўжаликнинг ўзида тайёр маҳсулотга айлантириб сотса, хом ашёни сотгандан кўра бир неча баробар кўпроқ фойда оларкан. Худди мана шу нарса бугунги кунда хўжаликларимиз ҳаётига кўпроқ кириб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Юқорида номи тилга олинган хўжаликда ҳам шу нарса озгина кичикроқ бўлса-да амалга ошди. Бу ерда кичик консерва цехи ишга туширилди. Унда хўжаликнинг ўзида етиштирилган мева ва сабзавотлар қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилди... Ушбу цех бу йилги мавсумда мева шарбати, қиём консервалари каби 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Бугунги кунда дастлабки мева консерваларини истеъмолчиларга етказиб берила бошлади.

СУРАТДА: жамоа хўжалиги бош агрономи Неъматжон Мемедов ва 5-бригада бошлиғи Турдимат Ашуровлар.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

ТАКРОРИЙ ЭКИН ЭКИЛМОҚДА

Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» ижара ширкатлар бирлашмаси деҳқонлари мўл ҳосил етиштириб, ғалладан бўшаган майдонларга маккажўхори, тариқ, мош сингари такрорий экинлар экишни бошлаб юборишди.

Хўжаликнинг айрим ҳудудларида гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 2800 тонна дон сотилди.

Бирлашманинг Х. Бўриев раҳбарлик қилаётган ширкат жамоасининг 77 гектар майдондаги ғалла хирмони ниҳоятда салмоқли бўлди.

— Бирлашмамиз дон мустақиллигига эришишни асосий вазифа деб билади, — дейди хўжалик раҳбари Ў. Эркаев. Меҳнаткашларни тўлиқ дон-дун билан таъминлаш учун асос яратяпмиз. Мавсумда иштирок этган ғаллакорларга ёрдам сифатида ғалла беряпмиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ғалла ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадимиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Ислоҳот чорраҳаларида

ИШИ РАВШАННИНГ — ЙЎЛИ РАВШАН



Қадим-қадимдан ўлкамизда суғориб деҳқончилик қилиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий воситаси бўлиб келган. Шу боис ҳам халқимиз каналлар қазиган, чўл-биёбонларга сув келтирган. Кейинги 30-40 йил ичида эса бу иш анча ривожлантирилди.

Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган чўлу биёбонларга сув чиқариш, янги-янги ерларни ўзлаштириш вазифаси билан «Ўзсувқурилиш» концернининг аҳил жамоаси шуғулланиб келади. Хўш, кейинги йилларда концерн ишчи-хизматчилари тармоқда иқтисодий ислоҳотларни қай йўсинда амалга оширмоқдалар? Шу ҳақда «Ўзсувқурилиш» давлат концерни раиси Рўзимбой ЖУМАНАЗАРОВга мухбиримиз бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Рўзимбой ака, аввало концернинг тарихи ва илгари қилинган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Маълумки, мамлакатимиз асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Бизда пахта ҳам, дон ҳам, мевачева ҳам етиштирилади. Бу экинлар эса сувсиз битмайди. Шу боис ҳам республикамизни сувга сероб қилиш, сув келтирилган жойларда эса янги-янги хўжаликлар ташкил этишга эътибор бериб келинади.

Шу мақсадда 1956 йили Мирзачўл ерларини суғориш ва уни ўзлаштириш бошқармаси вужудга келди. Бу албатта, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон Республикаларининг халқ хўжалигини янада ривожлантиришни таъминлади. 1963 йилда эса Мирзачўлни суғориш ва унинг ерларини ўзлаштириш бошқармаси базасида Ўрта Осиё ерларини ирригациялаш ва давлат хўжаликлари қуриш бош бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқарма Мирзачўл ва Қарши чўлларини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё қуйи оқимидаги ерларини ва Бухоро вилоятидаги чўл массивларини обод қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Мирзачўл ерларини ўзлаштиришдаги бу комплекс тажриба Шеробод чўлларида ва яна бошқа муҳим объектларда ҳам кенг қўлланилди. Бу ишлар Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши бош бошқармаси зимасига юкланди.

1988 йили эса «Главсредазирсовхозстрой», Сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитаси ўрнига Ўзбекистон Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитаси вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиши бўйича давлат концерни ташкил этилди.

Концерн ташкилотлари ўз фаолияти давомида 6,7 миллиард сўмлик (1991 йилга нисбатан олинди) қурилиш-монтаж ишларини бажарди. 1 миллион 100 минг гектар янги суғориладиган ерлар ишга туширилиб, бу ерларда 164 та янги давлат хўжаликлари ташкил этилди. 12820 минг квадрат метр замонавий уй-жой бинолари қурилиб, аҳолига берилди. Бундан ташқари 219,2 минг ўқувчи ўринли умумтаълим мактаблари, 63 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 8,3 минг ўринли касалхоналар, 23,5 минг киши бир йўла келиши мумкин бўлган поликлиникалар, 59,5 минг ўринли клублар, 98,5 минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик бинолари, 44,3 минг шартли таъмирлаш ишларини бажаришга мўлжалланган таъмирлаш-механика устахоналари ва кўплаб ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди.

Ўтган йиллар мобайнида Жанубий Мирзачўл канали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари Қаршида сувни 130 метр юқориликка кўтариб бера оладиган насос станциялари каскади, Аму—Бухоро, Шеробод, Катта Андижон, Тошкент бош каналлари, Толлимаржон, Чимқўрғон, Пачкамар, Жанубий Сурхон, Каркидон, Косонсой сув омборлари, Жиззах насос станцияси ва бошқа йирик сув иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Чўл ва яримчўл массивларини ўзлаштириш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш, минглаб ишчи ўринларини ташкил этиш имкониятини берди. Чўл ҳудудларида иккита вилоят, 28 туман, 6 шаҳар бунёд этилди. Бу жойларда ҳозир миллиондан ортиқ аҳоли яшамоқда.

Ҳозир «Ўзсувқурилиш» давлат концерни таркибидаги 26 қурилиш трести ва 352 қурилиш-монтаж ташкилотлари, 74 та автотранспорт корхонаси, 55 та саноат комбинати ва заводлари бор. Улар қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларни тайёрлайдилар. Айни пайтда бу тармоқда 100 мингдан ортиқ киши меҳнат қиляпти.

— Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуидаги маърузасида бундай сатрлар бор: «Ўтиш даврида халқимизнинг муҳтож табақаларини ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш — ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам давом этади... Одамларимизнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, бир-биримизга кўмаклашайлик!». Хўш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида сизнинг жамоангизда қандай ишлар қилинмоқда?

— Аҳолининг тобора ўсиб бораётганлигини, шунингдек, суғориладиган майдонларнинг бир қисми уй-жой қурилишига ажратиб берилаётганини ҳисобга олиб, Республикамиз Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилиняпти.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётдаги айрим қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор бермоқда. 1995 йилда суғориладиган ерларни таъмирлаш ва янги ерларни очиш мақсадида анчагина маблағ ажратди. Жумладан, 25 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш ва 50 минг гектар илгаритдан суғориб келинган ерларни таъмирлаш учун 1,6 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. «Ўзсувқурилиш» давлат концерни бу йил 17 минг гектар янги суғориладиган ерларни ўзлаштириши, 30 минг гектар илгаритдан суғориб келинган ерларни таъмирлаши,ижтимоий йўналишдаги объектлар қуриши керак. Шунингдек, 100 минг квадрат метр турар жойлар бунёд этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонларини, жумладан қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги фармонини бажариш юзасидан ўтган уч йил ичида бирмунча ишлар қилинди. Масалан, 1993 йилда 638,8 км., ўтган йили эса 254,7 км. сув қувурлари ётқизилиб, қишлоққа обиҳаёт етказилди. Газ тармоқларини барпо этиш ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Айтайлик, бундан икки йил аввал 575,5 км. газ тармоқлари ўтказилган бўлса, ўтган йили 681,9 км.лик иш бажарилди.

— Айни кунларда қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарвоқе, йирик сув хўжалиги объектларини барпо этиш ишлари жадал олиб бориляпти. Тўполон, Сўх, Ақчобсой сув омборлари, Ҳовос туманида машина каскади қурилиши давом эттирилмоқда. Сирдарё вилоятидаги Марказий Мирзачўл зовури, Жиззах вилоятида сувни қабул қилиш тармоқлари, Бухоро ва Наманган вилоятларида йирик насос станциялари, Қорақалпоғистонда ва бошқа вилоятларда турли зовурлар тизими тезкорлик билан бунёд этилаётир.

Бундан ташқари давлат концерни бинокорлари йирик объектлар қурилишида, жумладан, Андижон вилоятидаги Асака шаҳрида қурилаётган автомобиль заводи, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси, Дружба шаҳрида «Мерседес-Бенц» юк машиналари йиғиш заводи, Учқудуқда 3-кон-металлургия заводи, Толлимаржон ГРЭСи, шунингдек, Қорақалпоғистон, Сирдарё, Наманган ва Бухоро вилоятларида йирик сув таъминоти тармоқларини бунёд этишда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

— **Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Ишни ривожлантириш учун чет эллардаги корхоналар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим. Бу борада қўйилган дастлабки қадамлар нималардан иборат?**

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, биз бу йўналишда кўпгина қўшма корхоналар ташкил этдик. Масалан, Тошкент шаҳрида Покистон билан ҳамкорликда «Сиймо-Спортэо» фирмаси, Қаршида эса покистонликлар билан ҳамкорликда «Ҳамкорфефрикс» фирмаси, Тошкентда Хитойнинг Урумчи шаҳрини иқтисодий ривожлантириш бош компанияси билан ҳамкорликда «Тошкент—Синьцзянь» фирмалари ишга туширилди. Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида Хитой билан ҳамкорликда барпо этилган корхона 16 тонна юк кўтарадиган автомобиль кранлари ишлаб чиқармоқда.

Қарши шаҳрида Россиянинг Коврово экскаватор заводи билан биргаликда экскаватор ишлаб чиқариш, Гулистонда Иваново заводи билан биргаликда 10 тонна юк кўтарадиган автомобиль кранлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқорида тилга олинган қўшма корхоналар халқ истеъмоли буюмларини ҳам ишлаб чиқаради. Масалан, спорт кийимлари, эркаклар, аёллар, болалар кийимлари шулар жумласидандир.

Бензин ва солярка тақчиллиги, шунингдек, авторанспортни газ билан юришга ўтказиш, бунинг устига бу иш ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини ҳисобга олиб, Гулистон шаҳрида таъмирлаш-механика заводи ва Рязань газ баллонлари аппаратуралари заводи билан биргаликда 19 та қўшма корхона ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда таъсис этиш ҳужжатлари имзоланди.

Иши равшаннинг — йўли равшан, дейдилар. Хуллас, концернимиз жамоаси иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бориб, тармоқ ривожланишини таъминлайдилар. Айни пайтда улар республикамиз гуллаб-яшнаши учун ҳам бор имкониятларини ишга соладилар.

Суҳбатдош: Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказдилар.

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Дадажонова очди ва олиб борди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Бозоров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси якунлари, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг аҳамияти тўғрисида гапириб, туб ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларга тўхталди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Музокараларда қатнашганлар Туркистон халқининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўзаро дўстликнинг барча қардош давлатлар учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида атрофлича фикр юритдилар. Анжуман иштирокчилари Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини таъкидлашди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ВАЗИЯТ МУРАККАБЛАШДИ

Буюк Британия, Россия, АҚШ, ГФР ва Франция ҳукумат вакиллари Югославиядаги вазиятни муҳокама қилиш учун Лондонда йиғилдилар. Унда Европа иттифоқидан воситачи сифатида Швециянинг собиқ бош вазири Карл Билдьт иштирок этмоқда.

Босния серблари Сребреницадаги мусулмонлар яшайдиган ҳудудларни босиб олганидан сўнг, вазият жуда мураккаблашиб кетди. Мажлисда вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун тезроқ музокараларни бошлаш ҳамда БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини давом эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

ФАОЛИЯТ ДАВОМ ЭТАДИ

БМТ Бош ассамблеяси БМТнинг Грузиядаги кузатувчилари миссияси фаолиятини 1996 йил 12 январга қадар давом эттириш учун яна 12 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.

Ушбу миссия Грузия билан Абхазия ўртасида тузилган ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимга риоя этилишини кузатиш учун 1993 йили ташкил этилган эди. Ҳозирда миссия сафида 23 давлатдан 136 нафар ҳарбий кузатувчилар бор.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

Европа иттифоқи парламенти Франциянинг ядровий синовларни қайтадан бошлаш ҳақидаги қарорига норозилик билдирди. Страсбургда бўлиб ўтган сессияда Европа парламенти шу масалага боғлиқ резолюция қабул қилди. Унда Парижнинг ушбу қарори ядро қуроли синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақида имзоланиши кутилаётган халқаро шартномани хавф остида қолдириши, шунингдек, атроф-муҳитга катта зарар келтириши таъкидланди.

ЧОРАК АСР ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Уорен Кристофер чорак аср мобайнида Вьетнамга ташриф буюрган АҚШнинг биринчи давлат котиби бўлади, деди давлат департаментни вакили Николас Бернс. Уорен Кристофер Камбоджа сафаридан сўнг Вьетнамга ташриф буюради. Ташриф давомида АҚШ давлат котиби икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқаларини ўрнатиш ҳамда Ханойда АҚШ элчихонасини очиш ҳақидаги ҳужжатларни имзолайди.

РЕЖА БАРБОД БЎЛДИ

Токио полицияси олиб борган тергов ишлари натижасига кўра, «Аум Синрико» диний мазҳаби Россиядан «Калашников» автомати нусхасини яширинча келтириб, ялпи ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бунинг учун улар ҳатто дастгоҳлар ҳам сотиб олишган. Баъзи бир маълумотларга қараганда, мазҳаб аъзолари шу йилнинг ноябрь ойида Токио шаҳрида партизанлик ҳаракатларини уюштириб, парламентни ва бош вазир қароргоҳини босиб олишни режалаштирган экан. Бироқ, полициянинг кучли зарбасидан кейин уларнинг режалари бутунлай барбод бўлган.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР БОШЛАНДИ

Шри Ланка ҳукумат қўшинлари мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» ташкилотининг қуролли гуруҳларига қарши йирик ҳарбий ҳаракатларни бошлади.

Маълумки, ушбу ташкилот мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмида мустақил Тамил давлати тузиш учун 11 йилдан буён курашиб келмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ЗАМИНИ: АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ҒОЯСИ

Жиззах вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Давлат СОИБОВ билан суҳбат

— Давлат Давронович, суҳбатимиз бошида вилоятдаги ҳозирги вазият ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Бажонидил. Албатта, ҳар бир ҳолатга баҳо беришда таққослаш, солиштириш ҳақиқий манзарани мумкин қадар аниқроқ акс эттиради. Ўзбекистонимиз собиқ Иттифоқ республикалари орасида нисбатан осойишта минтақа эканлигини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Агар 1993 ва 1994 йиллардаги аҳвол билан солиштирганимизда ҳам Ўзбекистонда тинч турмуш тобора мустаҳкам илдиз отаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Уюшган жиноятчиликка қарши ўт очилганлиги, бу борада барча кучлар сафарбар этилганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Буни, ҳатто мухолифларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлишяпти.

Энди вилоятдаги вазият ҳақида сўрагандингиз. Жиноятларни фош этиш борасида Жиззах Хоразм ва Фарғона вилоятларидан кейин республикамизда учинчи ўринда турибди. Биз рўй берган жиноятнинг очилишини ниҳоятда муҳим кўрсаткич, деб биламиз. Жиноят аниқланмаса, у жазосиз қолади. Жазо берилмаслиги эса... Келинг, яхшиси мисолларга мурожаат қилайлик. Илгариги йилларда бир қанча автомобиль ҳайдаб қочувчилар, ўғрилар фош этилмасдан қоларди. 1995 йилда улар сони кескин камайиши билан бирга уларнинг ҳаммаси ушланди.

Вилоят ҳудудида умумий қайд этилган жиноят сони 1994 йилнинг шу давридагига нисбатан камаймаган. Аммо қасддан одам ўлдириш ўтган даврдагига нисбатан кескин камайган. Албатта, жиноятлар сонини мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада фақат жазолаш эмас, одамлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шифокорлар «Касални даволашдан унинг олдини олиш осон» деган қоидага амал қилади. Биз ҳам бутун куч-қувватимизни жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қиляпмиз.

— Аҳоли билан ишлаш керак, албатта. Прокуратура тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг саъвияси қандай? Умуман, бу борада нималарга таянилмоқда?

— 1995 йил барча ҳуқуқ-тартибот идораларида бўлгани каби прокуратура тизими ходимлари учун ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилган, ўз ишимизга ишонч ҳисси ҳар қачонгидан ошган йил бўлди, десам муболаға бўлмас. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1- сессиясидаги маърузасида адолатли ҳуқуқий жамият қуришда нималарга эътибор бериш кераклигини аниқ ифодалаб бердилар. Аввало, биз уни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб чиқдик. Жумладан, вилоят ҳуқуқ-тартибот, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи зудлик билан танқидий нуқтаи назардан баҳоланди. Расмиятчилик учун эмас, амалда раҳбарлик ва ижро учун бажарилиши шарт бўлган тадбирлар тузиб чиқилди. Уларда жиноят учун жазо муққарарлиги тамойили тўла қарор топди.

Ўтган муддат мобайнида вилоятда уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка қарши курашни бегиловчи қонунлар ижросини текширишни ташкил қилдик. 1994 йилда ва 1995 йилнинг тўрт ойида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда ва судларда кўрилишда қонунларга риоя этилиши аҳволни ўрганиб чиқиш юзасидан таклифлар киритдик. Айни пайтда Жиззах шаҳар ва барча туман прокурорлари томонидан ходимларнинг касб-маҳорати ва билим савиясини ошириш йўлида ташкил этилган фаолият текширилди. Буларнинг ҳаммаси ўз ишимизни танқидий баҳолаш имконини берди.

— Вазифалар аниқ: жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш. Хўш, бу борада вилоят прокуратурасининг ўрни қандай?

— Олдин бир изоҳ берсам. Жиноятчиликка қарши курашишга фармонлар ва қарорларнинг жойларда бажаралишини назорат қилишга қаратиляпти.

Мен тилга олмоқчи бўлган мисоллар кейинги бир ярим йилга даҳлдордир. Шу даврда прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномаларига асосан 1412 шахс интизомий, 1111 шахс маъмурий, 1066 шахс моддий жавобгарликка тортилди. Аниқланган 544 та ғайриқонуний далолатномаларга эътирозномалар келтирилиб, 519 тасининг бекор қилиниши таъминланди.

Прокурорлар томонидан 2534 шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Давлатга, корхоналарга ва ташкилотларга ўғирликлар, камомадлар, хўжасизликлар, суиистеъмолликлар ва бошқа хил кўринишдаги йўқотишлардан етказилган зарарларнинг 1761 минг сўмлик ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Суд идораларига умумий қиймати 1.496 мингдан зиёд бўлган 368 та даъво аризалари қўзғатилди. Ғайриқонуний шартномани бекор қилиш ва 10 минг долларни ҳақиқий эгасига қайтариш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси қўзғатилди ва қаноатлантирилди. Умумий назорат тартибида 149 та жиноят ишлари қўзғатилди. Шундан 55 таси давлат, 42 таси жамоа мулкининг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар талабининг қўпол бузилиш фактлари юзасидан қўзғатилган. Яна мулкка ва ундан фойдаланишга нисбатан бўлган ғаразли, лоқайдлик, уларни хўжасизларча ишлатиш, уларнинг мавжудлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тўплаш ҳолатлари аниқланди.

Қишлоқ хўжалик техникаларини сақлаш борасида ўтказилган текширишлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 123—1 моддаси (илгариги) билан 13 та жиноят иши қўзғатилди, етказилган зарарлардан қарийб 100 минг сўмлик ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш борасидаги қонунлар ва фармонларнинг ижросини текшириш жараёнида ҳам жиддий қонун бузилиш фактлари аниқланди, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Қонунда белгиланган талаблар асосида ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги учун вилоят прокуратурасининг талабига биноан автотех хизмат корхонасининг 11 та иншоотлари ўтказилган «ким ошди» савдоси кун тартибидан олинди. «Ер тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши юзасидан ўтказилган ҳар 5 та текширишнинг биттасида жиноят иши қўзғатилди. Дўстлик туман прокуратураси томонидан бу йўналишда ўтказилган текширишларда «Дўстлик» ижара ширкат бирлашмасида 136 гектар, «Манас» ижара ширкат бирлашмасида 55 гектар, шунингдек, бошқа хўжаликларда, жами туман бўйича 255 гектардан ошиқроқ пахта ва бошқа экин майдонларини қисқартириш эвазига томорқага бериш йўли билан талон-торож қилинганлиги, натижада давлатга 470 минг сўм зарар етказилганлиги аниқланиб, етказилган зарарлар айбдор шахслар ҳисобидан тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Ерни талон-торож қилиниш фактлари бўйича Арнасой туман прокуратураси томонидан ҳам 3 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Тергов сифатини яхшилашга, ўтган йилларда ҳаракатдан ётқизилган жиноят ишларининг қайтадан ўрганиб чиқилишига жиддий эътибор қаратилди.

Ўтган йили ички ишлар органлари томонидан тергов қилиниб, ҳаракатдан ётқизилган 6 та жиноят ишлари бўйича қарорлар вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, тергов ҳаракатлари ўтказилиши натижасига кўра бу жиноят ишларининг судларга юборилиши таъминланди. Барча жиноят ишлари юзасидан суд ҳукмлари мавжуд.

Бундан ташқари, 1992 йилда «жиноят аломати мавжуд эмас», деган асос билан ҳаракатдан ётқизилган 2 та ички ишлар ходимларига нисбатан жиноят ишлари юзасидан қарорлар вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилиб, судларнинг айблов ҳукмлари чиқди.

Ўтган йили вилоят ички ишлар идоралари томонидан бир қанча жиноят ҳисобдан яширилганлиги аниқланиб, уларнинг айримлари юзасидан тергов ҳаракатлари тугалланиб, суд идораларига юборилган, барчаси юзасидан ҳукмлари мавжуд.

1994 йилда жиноят ишларини тергов қилишда 897 нафар фуқаролар (126 нафар фуқаролар прокуратура идоралари, 771 нафар фуқаролар ички ишлар идоралари томонидан) ушланган, шундан 4 нафар фуқароларнинг қонунсиз ушланишига йўл қўйилган (2 та прокуратура ва 2 та ички ишлар идоралари томонидан ушланган). Бу масала ҳайъат ва тезкор йиғилишда муҳокама этилиб, натижаси бўйича чоралар кўрилган.

— Вилоятда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларни мувофиқлаштириш Кенгаши раиси экансиз. Кенгаш фаолияти ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Жорий йилнинг олти ойи мобайнида Кенгаш уч марта йиғилди. Жами 8 та масалани кўриб чиқдик. Мазкур Кенгаш ўз ишимизга танқидий баҳо бериш, айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза этувчи тузилмалар ўртасида ўзаро талабчанликни ошириш имкониятини яратмоқда. Масалан, фуқароларнинг ишларини кўриб чиқишда сансалорликка барҳам бериш масаласи муҳокама қилинганди, аҳвол тезда яхшиланди. Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан спиртли ичимликларни сотиш жойларининг мазмунан ва мантиқан нотўғри белгиланганлиги Кенгашда кўриб чиқилди. Хуллас, қўлни-қўлга бериб ишласак, натижаларимиз ҳам чакки бўлмайди.

— Фаолиятингиздан кўнглингиз тўладими?

— Биласизми, мен саволни бошқача қўйган бўлардим.: «ишингиздан қониқиш ҳосил қиласизми?» қабилида. Бу саволга «ҳа» ва «йўқ» деб жавоб беришим мумкин. Қониқиш ҳосил қилаётганим шундаки, кундалик фаолият орқали элюртга нафимиз тегяпти, деб ўйлайман. Қониқмаётганим шу сабабданки, вилоят прокурори фақат ўзи учун эмас, бутун прокуратура тизими учун масъулдир. Шу боис қаерда бизнинг ходимлар хатога йўл қўйишса, мен изтироб чекаман. Ахир бизнинг соҳадаги хатолар инсон тақдирига бевосита даҳлдор! Бундан ташқари, ҳали амалга оширишимиз керак бўлган юмушларнинг саноғи йўқ. Битта нарса кўнгилга таскин беради: қилаётган ишларимиз элнинг назарида турибди. Айни пайтда ҳуқуқий жамият қуриш йўларида қонун устиворлигини таъминлаш — келажак учун ҳам ишлаш демакдир. Шундай эзгу ҳаракатга даҳлимиз борлигидан фахрланаман.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Инсонда, у ким бўлмасин, бўш вақт бўлиши керак. Мен хизмат ташвишларидан бўшаган дақиқаларимда фарзандларим билан бирга бўлишга ҳаракат қиламан. Теннис ўйнасам енгил тортаман.

— Охирги пайтда ўқиган бадиий асарингиз?

— «Отамдан қолган далалар». Муаллифи... Тоғай Мурод. Яхши китобнинг оҳанрабоси бўлади, бошлагач, қўлдан қўёлмайман. Ҳаёт манзаралари акс этган асарларни ўқиш ҳам ҳордиғимизни чиқаради, ҳам дунёқарашимизни бойитади.

Суҳбатдош: Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ТАШКИЛОТ

Пахта, пахта толаси, пахта калавасини

СОТИБ ОЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга:
— Германия ва Австрияда ишлаб чиқарилган музлатгич пештахталари;
— Озиқ-овқат, қандолат ҳамда вино-арақ маҳсулотларини

СОТАДИ

Маълумот учун телефонлар:

45-70-65, 45-35-65.

ТАШКИЛОТ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН

— томат пастаси тайёрлаш учун кўп тармоқли қурилмаларни;
— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ювиш ва саралаш машиналарини;
— 37 кВт.дан 55 кВт.гача бўлган бир дақиқада 750 марта айланиш қувватига эга электр двигателларини;
— 0,25 м^3 ҳажмдаги бетон қориштиргичлар;
— шлакблок машиналарини (10 секцияли);
— ТД-317 пайвандлаш трансформаторларини (220 В ва 380 В);
— ОКСТ 67114 гидравлик прессини;
— шиналардаги алюминийни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Калава ва "Прима" пахтасини СОТИБ ОЛАДИ.

Алоқа учун телефонлар: 45-75-67, 45-67-58, Факс: 45-75-23.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАКИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.


Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!
Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли молларни ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси, Толариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали, 98-47-92 - савдо зали, 98-47-95 - кўргазма зали.



АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

ДИҚҚАТ! КАФЕЛЛАРНИНГ ҳамма туридан бор! Улгуржи харидорларга 30 фоизгача арзонлаштирилади. Ҳақ тўлаш усули — турлича. ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 50-92-94, 50-83-54. МАНЗИЛ: У. Носир кўчаси, 2-пр, 2. ТошКСМ.

КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Тошкент туман ҳокимлиги билан биргаликда

28 июль куни соат 11.00 да

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидаги ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тўйтепа шаҳридаги болалар боғчаси биноси.
Бошланғич нархи — 124 минг 880 сўм
2. Товоқсой қўрғонидаги дорихона биноси
Бошланғич нархи — 265 минг 430 сўм
3. Солдатский шаҳридаги 8 хонадонли уй
Бошланғич нархи — 102 минг 030 сўм.
4. Чиноз туманидаги «XXIV партсъезд» жамоа хўжалигидаги болалар боғчаси биноси.
Бошланғич нархи— 1 млн. 797 минг 160 сўм
5. Оққўрғон тумани «Ленинизм» жамоа хўжалигидаги ҳаммом биноси.
Бошланғич нархи — 678 минг 240 сўм.
6. Келес шаҳридаги касалхона биноси
Бошланғич нархи — 243 минг 300 сўм.
7. Келес шаҳридаги СЭС биноси
Бошланғич нархи — 1 млн. 162 минг 610 сўм
8. Тошкент шаҳридаги дорихона бошқарма базаси биноси
Бошланғич нархи — 6 млн. 648 минг 350 сўм
9. Янгибозор шаҳридаги 48 хонадонли уй
Бошланғич нархи — 1 млн. 181 минг 970 сўм
10. Тошкент тумани Абдураҳмонов номли жамоа хўжалигидаги мактаб биноси
Бошланғич нархи — 298 минг 440 сўм
11. Чирчиқ шаҳридаги «Детское» кафеси
Бошланғич нархи — 371 минг 850 сўм.

АРИЗАЛАР Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 2-қават, 78-хонада (Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида) ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача


ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Мурожаат учун телефон: (3712), 33-38-42

КИМ ОШДИ САВДОСИ 28 ИЮЛЬ КУНИ, СОАТ 11.00 ДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА БОШЛАНАДИ.

Меҳмоннавозлик

ДАСТУРХОНИМИЗ НАФОСАТИ



Халқимиз меҳмондўстлиги билан элга танилган, хориждан келувчи мўътабар кишилар наздида эътироф этилган. Дарҳақиқат,Туронзаминда меҳмон кутишнинг ўзига хослиги бор. Буни чоғроқ давраларда ҳам, тўю маъракаларда ҳам кузатиш мумкин. Зеро, юртимизда истиқлол шамоли барқарор эса бошлаганига тўрт йил бўляпти. Албатта, азалий қадриятларимизни эъзозлаган ҳолда шарқона меҳмоннавозликни давом эттиришимиз мумкин. Аммо, меҳмон кутиш ва дастурхон тузашда андак замонавийликка риоя қилсак, ноз-неъматлар билан




тўлдирилган дастурхонимиз ўзига хос нафосат касб этиши табиий. Муҳтарам муштарийларнинг ёдида бўлса, шу мавзуга оид аввалги мақоламизни «Туронзамин лаззати» деб номлаган эдик. Унда қардош халқларга хос таомлар ва пиширикдар тайёрлашдаги ўзаро муштараклик ҳақида фикр юритганмиз. Бу гал эса Туронзамин халқлари дастурхонига мос гўзалликлар яратиш ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Маълумки, Наврўз айёми чоғида одамлар дастурхонни ўзгача безашга ҳаракат қиладилар. Ҳозирги пайтда дастурхонга тароват бахш этувчи катта-кичик гулдасталарни қишин-ёзин топиш мумкин. Аммо, тайёр анвойи гуллардан кўра ўз қўлингиз билан яратган гўзалликни дастурхонга қўйсангиз завқи бўлакча бўлади. Бунинг учун қизил лавлаги, сабзи ва шолғомдан нафис гуллар ясаш мумкин. Сабзавотнинг ўртача катталикдаги хили танланади. Арчиб, тухумдек силлиқланади. Кейин калта ва ўткир пичоқ билан гул япроғининг шакли тарзида ўртача чуқурликда кесик берилади. Сўнг ана шу кесикнинг юқори томонидан ўша чизиқ бўйлаб кесиб, лавлаги эти олиб ташланади. Иккинчи гул баргини пайдо қилиш учун аввалги чизиқнинг ўртасидан бошлаб чап тарафга қараб яна кесилади. Шу тариқа гул япроқлари аввал каттароқ, тайёр ҳолига келиш олдидан кичик кесиклар билан ниҳоясига етказилади. Тайёр атир гулларни кўча-кўйларда қишин-ёзин яшнаб турадиган ўсимлик шохчаларига илинади. Ранг-баранглика эришиш учун оқ шолғомга қизил лавлаги шарбатини қўллаш билан мақсадга эришса бўлади.

Энди тайёрланган атир гулларни дастурхонга қўйиш учун гулдон ясаш билан танишинг. Бунинг учун ўртача катталикдаги яхши пишган узунчоқ қовоқ танланади. Мўлжаллаб туриб чоғроқ гулдонга мос ҳолда қовоқни кесиб, уруғлари тозаланади. Кейин кесилган айланаси бўйлаб шаклдор қозиқ деворлар пайдо қилинади. Уларнинг тагига гулдор тешиклар ўйилади. Пастки қисмига эса сабзавотдан тайёрланган мойчечаклар қадаб чиқилади.

Дастурхон тузашда уй бекалари «Шарбат» мажмуасидан ҳам кўп фойдаланадилар. Бундай дастурхонга нафосат бахш этиш учун ўртача катталикдаги етилган тарвуз танланади. Унинг ярмидан кўпроқ қисми ҳолатида иккига бўлинади. Катта қисмининг ичи тозаланиб, айланаси бўйлаб мойчечак гулини эслатувчи шакллар берилади. Сўнг қизил ва сариқ сабзидан кесилган мойчечак ва юлдузчалар билан безалади. Мойчечак ясаш учун шолғом ва сабзи бир текис арчилгандан кейин юқоридан пастга қараб 2-3 мм. чуқурликда ўймачалар кесилади. Сўнг энидан бир-икки мм. қалинликдаги ҳалқачалар кесилиб олинади. Қарабсизки, теграси кунгурадор кулчалар пайдо бўлади. Уларнинг ўртасига қизил лавлаги ёки сабзидан нўхотдек доначалар кесиб, мойчечакнинг ўртасига гугурт чўпи билан тарвузлар атрофига қадаб чиқилади. Ана энди тарвузнинг ўртасидан олинган этидан тайёрланган муз кубиклар билан тўлдирилиб, унинг устига сархил мевалар қўйилади. Қарабсизки, тўй маросимида келин билан куёвнинг олдига қўйиладиган саватча юзага келиб турибди.

Бундан ташқари «Табассум», «Бойчечак»,»Баҳор», ва «Оқшом» каби мажмуалардан ҳам фойдалансак бўлади. Фақат дастурхон тузашда, меҳмон кўнглини олишда нозик дид ва андак фаросат даркор. Уй бекалари вақтдан унумли фойдаланиб, бундай юмушларни бир кун олдин тайёрлаб қўйишлари ҳам мумкин. Чунки, сабзавотдан ясаладиган атиргул,картошкагул, лола, мойчечак, хризонтема каби гулларни муздек сувга солиб, бир - икки томчи сирка томизиб қўйилса, худди янги узилгандек яшнаб тураверади. Фақат қизил лавлагидан тайёрланган гулларни алоҳида сақлаш лозим.



Акс ҳолда ранглари бир-бирига уриб, кўзланган ниятга путур етказиши мумкин. Умуман, меҳмон кутувчи дастурхон тузашда ранг-баранглика интилса, даврага чорланганлар кўнглини чоғ қилиши турган гап.

Одилжон МАҲМУДОВ,
савдо аълочиси.

СУРАТЛАРДА: сабзавотлардан ясалган «Янги йил», «Бойчечак», «Оқшом», «Шарбат» мажмуалари.

Суратказ Ш. ИБРОҲИМОВ.



Йўғ-э!

«КЎРИНМАС ОДАМ»НИ ИЗЛАБ

Эшик секин очилиб, «Кўринмас одам» роппа-роса одамга ўхшаб кириб келди.

— Гурландаги Дўсимбий қишлоғида яшайман. Корхонангизга таъминотчи керак, деб эшитдим-у оёғимни қўлимга олиб...

Басавлат йигит қўлини кўксига қўйиб, «ийманибгина» муддаосини англатди.

Шовот туманидаги «Спутник» давлат кичик корхонаси бошлиғи Йўлдош Шамсиддинов Мадат Ҳайтимматов («Кўринмас одам») билан бир пиёла чой устида «яқиндан танишиб» олди.

Иккинчи пиёла чойдан сўнг у бошлиқни сеҳрлаб «Бир озгина пул топиб берсангиз. Дунёнинг турли бурчакларидан харидоргир моллар келтириб, уйиб ташлайман. Бозор иқтисодиёти сирларини «сув қилиб ичиб юборганман» деди. Айниқса, у мол айирбошлашнинг роса ҳадисини олганлигини айтганда бошлиқ ўзида йўқ севиниб бошини қашлади. Буни кўрган Мадатбой темирни иссиғида босди.

— Мол топишдан осони йўқ. Гурланда нима кўп, гуруч кўп. Пул берсангиз бас, тонна-тонна келтираман. Уларни қулинг ўргилсин бошқа молларга алиштираман. Танишбилиш, оғайнилар мана бундай, — давом этди у кекирдагига қўлини олиб бориб.

Шу гапидан сўнг у бошлиқнинг ақлини карахт қилиб, кўзини бўяганди. Йўлдош Шамсиддинов шу заҳотиёқ рози бўлиб, уни таъминотчиликка ишга қабул қилди.

— Иним, молингга маҳкам бўл. Қолганининг бир иложи бўлар, — деди у Мадатбойнинг қўлини маҳкам сиқиб.

Шундан кўп ўтмай янги таъминотчи «Спутник» хазинасидан 215 минг сўм пулни (ўша пайтда бу пулга яп-янги автомашина берарди) нақд санаб олиб, белига боғлади-ю, «хайр-хўш»ни қуюқ қилиб йўлга тушди. Бу воқеа 1992 йилнинг баҳорида бўлган эди. Баҳор ҳам ўтди, ёз ҳам. Бироқ Мадатбойдан дарак бўлмади. Таъминотчи қудуққа тушган кесакдек беиз кетди. Корхона раҳбари излай-излай охири унинг дарагини топди. Мадатбой кўзига ёш олиб «Хоразмдан Тошкентга борганлигини, омади юришмаганлигини, ў ёқда тўшак тортиб ётиб қолганлигини, олиб кетган пулининг бир қисмини кам-кўстига ишлатиб юборганлигини» айтди. «Худо хоҳласа, тезда маблағ топиб мол олиб келишини» таъкидлади. Ана шу тавба-тазарруддан сўнг Мадатбой яна қорасини кўрсатмай кетди. Ниҳоят, корхона раҳбари таъминотчига оид ҳужжатларни тўплаб, Гурлан туман халқ судига ҳавола қилди. Суднинг сўраб-суриштириши натижасида М. Ҳайтиматов айбини бўйнига олди ва ...корхонага бор-йўғи 91 минг сўмлик маҳсулот келтириб берди. Ўзидан ўтганини ўзи билган бошлиқ Мадатбойни суднинг сўровидан кейин кўзи мошдек очилгандир, деб ўйлади... Аммо «сут билан кирган жон билан чиқар» деганларидек, Мадатбойга на корхона раҳбарининг койишлари, на туман судининг қонуний талаби кор қилди. Учар «таъминотчи» қолган 145 минг 500 сўмни (ҳозирги пулга чаққанда 60 мингдан ошар экан) корхона хазинасига қайтаришни хаёлига ҳам келтирмади. Ниҳоят, туман халқ суди 1992 йил 23 декабрь куни М. Ҳайтиматовдан «Спутник» корхонасига шунча миқдордаги пулни ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Суд ижрочиси енг шимариб ишга киришди.

Судлов тажрибасидан маълумки, қонунбузар ёки айбдор яшаш жойида доимий ҳисобда турган, ишлаётган ҳудуддаги суд идорасигина бундай ишни кўриб чиқиши қонунийдир. Судья И. Тўраев тажрибасизлигиданми ёки бошқа жиҳати борми, гарчи М. Ҳайтимматов ўша даврда Гурландан ҳисобдан чиқиб, Тошкентда яшаётган бўлса-да ишни кўриб, қарор чиқариб юбораверган. Суд ижрочиси Мадат яшайдиган Дўсимбий қишлоғига борса, у йўқ. Ҳамма ҳангома ана шундан кейин бошланди. Мадатбой ерга кириб кетдими, кўкка учдими, уни ҳеч қаердан топиб бўлмади. Ана шундан сўнг «Кўринмас одам» ҳақидаги миш-мишлар тарқалиб кетди. Бу ишга туман прокуратураси, милицияси аралашди. Қидирув эълон қилинди. Алқисса, ички ишлар идораси ходимлари суд қароридан кейин 5-6 ой ўтгач, 1993 йилнинг баҳорида М. Ҳайтиматовнинг истиқомат жойини аниқладилар. Пихини ёрган таъминотчи қўлига 215 минг сўм пул теккан пайтидаёқ Тошкентнинг Чилонзор туманидаги 21-мавзе, 19-уйнинг 45-хонасини сотиб олиб яшаётган экан. Милиция ходимлари унинг оёғини ерга теккизмай судга олиб келишди. У яна тавба-тазарру қилди. М. Ҳайтимматовдан «Спутник» корхонаси фойдасига пул ундириб олиш тўғрисидаги қарор ижро варақаси Чилонзор туман халқ судига жўнатилди. У ердан эса 1993 йил 27 август куни бу иш Акмал Икромов туман судига оширилган. «Спутник» корхонасидан Тошкент шаҳар адлия бошқармасига юборилган хатга жавоб йўллаган бошқарма бошлиғи, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси Н. Д. Зокиров бу ҳақда шуларни таъкидлаган: **«Ижро варақасида «Спутник» кичик корхонасининг ҳисоб рақамлари, коди, ундирилган пулни қайси банк муассасасига тушириш кераклиги ҳақидаги маълумотлар бўлмаганлиги учун у ижро қилинмасдан 1993 йилнинг 10 сентябрь куни Гурлан туман судига қайтариб юборилган».**

Хуллас, «Кўринмас одам»нинг бу гал ҳам «омади» келди. У жавобгарликдан осонгина қутулиб қолаверди. Шуниси таажжубланарлики, Мадатбойвачча Тошкентда ялло қилиб яшаяпти. У вақтивақти билан Гурланга — Дўсимбий қишлоғига келиб онасини, хотинини, 4 фарзандини кўриб турармиш. Бу ҳақда туман судидаги папкаларда ҳужжатлар талайгина.

Яқинда, Гурлан туман халқ суди М. Ҳайтимматовни қидириб топишда ёрдам кўрсатишни сўраб туман ИИБ ва туман прокуратурасига навбатдаги номани йўллади. Шунингдек, Тошкентга — Акмал Икромов туман халқ судига ижро варақасининг бажарилиши юзасидан сўровнома юборилди. Алқисса, бундай қоғозбозлик уч йидан буён давом этиб келяпти. Аммо бунинг охири бормикан, ёзишмалардан наф чиқармикан?

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.
Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОҚСАРОЙ ҒОЛИБЛАРНИ ОЛҚИШЛАДИ

Шаҳрисабзда мақом жамоалари ва миллий чолғу асбоблари ансамбларининг республика кўрик-танлови якунланди. Бу нуфузли беллашув соҳибқирон бобомиз Амир Темур тавалludининг 660 йиллигига бағишланиб Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси ва Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилди.

Мақомчилар ва мусиқачиларнинг Навоий, Увайсий ва бошқа классик шоирлар ғазаллари асосида ижро этган қўшиқлари, куйлари ва рақслари томошабинларни ўзига ром этди.

Кўрик иштирокчилари корхона, ташкилот ва маҳаллаларда ижодий учрашувлар ўтказдилар. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур ва буюк мунажжим Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ тарихий обидаларни томоша қилдилар.

Ижодий беллашувнинг учинчи куни кечқурун қадимий Оқсарой олдидаги ёзги концерт майдонида бадиий жамоаларнинг якуний концерти бўлди. Бош ҳакам Рифатулла Қосимов танлов ғолибларини эълон қилди. Миллий халқ чолғу асбоблари ансамбллари орасида биринчи ўрин Қўқон шаҳар маданият уйи қошидаги «Сарвигул» халқ чолғу асбоблари ансамбли, иккинчи ўрин Китоб туман маданият уйи, Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси ва халқ ижодиёти маркази қошидаги мақомчилар жамоалари, учинчи ўрин эса Бухоро вилояти Ғиждувон туман маданият уйи жамоаси ва Пешку туман маданият уйининг «Наво» дасталарига берилди.

Мақом ижрочилиги бўйича таъсис этилган олий совринни Хоразм вилояти Урганч шаҳар 2-маданият уйи қошидаги мақом жамоаси қўлга киритди. Биринчи ўрин Шаҳрисабз шаҳар маданият саройи қошидаги мақом ансамбли, Тошкент вилояти бадиий ҳаваскорлик мақом жамоасига, иккинчи ўрин Сирдарё вилоят бадиий ҳаваскорлик, Андижон вилоят Пахтаобод тумани Юнусқори Юсупов номли мақом жамоаларига, учинчи ўрин Сурхондарё вилоят Бойсун тумани, Навоий вилояти Қизилтепа, Фарғона вилояти Тошлоқ туманлари маданият уйлари қошидаги мақом жамоаларига насиб этди.

Суҳроб РУСТАМОВ.

Спорт

• Енгил атлетика

НАЙЗА ОТУВЧИЛАР МЕДАЛИ

• МОҲИР икки спортчимиз халқаро мусобақада бир йўла олти медални қўлга киритди.

Владимир Парфенов Португалияда ўтказилган мусобақада найзани 78,86 метрга улоқтириб, олтин медаль соҳиби бўлди. Виктор Зайцев эса 76,32 метрли маррани эгаллаб, учинчи натижа кўрсатди. Ҳар иккала спортчи шунингдек, Испаниянинг икки шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳам қатнашди. Барселона шаҳрида Владимир 80,42, Бела-фурж шаҳрида 84,58 метрли натижа билан иккита олтин медалли бўлди. Виктор эса ҳар иккала шаҳарда учинчи бўлиб, қўш бронза медалини қўлга киритди.

• Бокс

ҲОЖИАКБАР, КАРИМ ВА БОШҚАЛАР

• БОКСЧИЛАРИМИЗ Сеул шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада маҳорат кўрсатиб, терма жамоамизнинг биринчи бўлишини таъминладилар.

Агар Темур Иброҳимов қозоғистонлик А. Шировга финал учрашувини бой бериб, кумуш медаль олган бўлса, Ҳожиакбар Зокиров, Карим Тўлаганов, Дилшод Ёрбековлар вазнларига кўра ғалаба қозондилар ва кўксиларига олтин медаль тақиб қайтдилар.

• Қиличбозлик

НАВБАТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

• ТОШКЕНТДА ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги қиличбозларнинг жаҳон чемпионатига тайёргарлигида муҳим босқичга айланди.

Мусобақада раппирачи С. Филимонова билан Р. Рўзиев, шамширчи Э. Йўлдошев, қиличбоз Д. Наутока билан А. Петровлар Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлишди. Энди С. Филимонова, Г. Зокирова, Р. Рўзиев, Ю. Безназдаров, И. Коновалов, Д. Томашевский, Э. Красикова, В. Сосинлар 18—26 июль кунлари Голландияда бошланадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадилар.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Республика умумтаълим мактабларининг 8 ва 9-синфларини «намунали» хулқ билан «4» ва «5» баҳоларга тугатган иқтидорли ўқувчилар диққатига!

Гулистон Давлат университети қошидаги лицейнинг 9- ва 10-синфларига танлов асосида қуйидаги йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— Иқтисод бўлими;

— Табиий фанлар бўлими (физика, математика, химия, биология ва муҳандис);

— Социал фанлар бўлими (тарих, жуғрофия, ҳуқуқшунослик ва ижтимоий фанлар);

— Ўзбек тили ва адабиёти бўлими;

— Хорижий тиллар бўлими (инглиз ва рус тиллари).

Ўқиш муддати 8-синф битирувчилари учун 3 йил, 9-синфни битирувчилар учун эса 2 йил.

ТАНЛОВ ШАРТИ

Танлов мутахассисликка оид касбга муносабатни, қизиқишни аниқловчи суҳбат асосида амалга оширилади. Лицейда ҳужжатларни қабул қилиш 1995 йил 15 августгача, суҳбат 16 августдан 25 августгача махсус график бўйича бўлиб ўтади. Республика, вилоят, шаҳар, туман олимпиадаларининг ғолиблари лицейга имтиёзли қабул қилинадилар.

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар белул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим.

1. Директор номига ариза.

2. Шаҳар, туман халқ таълимининг ёки мактаб педагогик кенгашининг йўлланмаси.

3. 9-синфни битирувчилар учун маълумоти ҳақида гувоҳнома, 8-синф битирувчилари учун 6, 7, 8-синфлар табеллари.

4. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.

6. 4 дона 3х4 ва 4 дона 6х9 ҳажмдаги фотосурат.

7. Турар жойидан маълумотнома.

МАНЗИЛИМИЗ: Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси 2-уй.

Телефонлар: 3-22-15, 3-40-61.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Янгийўл технология коллежи 1995—1996 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Янгийўл технология коллежи икки поғонада мутахассислар тайёрлайди:

1-поғонада ўқийдиганлар техникум дастури асосида ўқиб «техник-технолог» мутахассислигини эгаллайдилар. Ўқиш муддати 1-поғонада 9 йиллик маълумот билан 3 йилу 6 ой, 11 йиллик маълумот билан 2 йилу 6 ой.

II-поғонада ўқийдиганлар учун ўқув муддати 1 йилу 1 ойга узайтирилиб, олий ўқув юрти дастури асосида билим оладилар. Бу поғонани битирувчилар «кичик муҳандис» мутахассислигини эгаллаб, муҳандислик лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўқув кенгашининг қарорига биноан II-поғонани битирувчилар ўз мутахассислиги бўйича олий ўқув юртининг кундузги бўлимида — 3 курсдан, сиртқи бўлимида — 4 курсдан ўқишни давом эттирадилар.

Янгийўл технологик коллежи қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

Кундузги бўлимга

1. «Ёғ ва ёғ ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар технологияси». (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

2. «Вино технологияси» (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

3. «Нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

4. «Озиқ-овқат тайёрлаш технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

5. «Консервалаш технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

6. «Биохимия маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш рус тилида.

7. «Сут технологияси» (10 йиллик маълумот билан) ўқиш рус тилида.

8. «Ҳуқуқшунослик» (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

9. «Бухгалтерлик ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили» (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида.

Сиртқи бўлимга

(11 синф маълумоти билан)

1. «Ёғ ва ёғ ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар технологияси».

2. «Озиқ-овқат тайёрлаш технологияси».

3. «Вино технологияси».

4. « Консервалаш технологияси»

5. «Нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси».

Кириш тўғрисидаги ариза коллеж директори номига танлаган мутахассислигини кўрсатган ҳолда ёзилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

1. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).

2. 086-У шаклидаги соғлиги ҳақида маълумотнома.

3. 6 дона фотосурат (3х4 см.) ҳажмда бош кийимсиз.

4. Кирувчи коллежга келганда туғилганлик ҳақида гувоҳнома, паспорти, ҳарбий билет ёки ҳисобга туриш гувоҳномасини шахсан кўрсатиши керак.

5. Сиртқи бўлимга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчирма топширишлари шарт. Коллежга кирувчилардан қуйидаги муддатларда аризалар қабул қилинади:

Кундузги бўлимга

— 9 синф маълумоти билан 20 июндан 31 июлгача.

— 11 синф маълумоти билан 25 июндан 20 июлгача.

Сиртқи бўлимга

— 25 июндан 20 июлгача.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

Кундузги бўлим 9 синф маълумоти билан:

1. Математика (оғзаки).

2. Ўзбек (рус) тилидан диктант.

Имтиҳонлар 1 августдан 20 августгача.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш — 25 августгача.

11 синф маълумоти билан кундузги бўлимга ва сиртқи бўлимга ҳужжат топширганлар тест синовидан ўтадилар.

Тест синови 1995 йил 10 август куни бўлади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 403 уй.

Телефонлар: 7-4750, 7-3498, 7-3324.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ И. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1995-96 ўқув йилига

«Доришунослик», «Ҳамшира иши», «Лаборатория диагностикаси», «Гигиена ва эпидемиология» мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 11 синфни битирганлар учун 20 июлгача қабул қилинади.

Қабул тест синовлари асосида ўтказилади.

9 синфни битирганлар учун ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

1. Биология (оғзаки).

2. Она тили (диктант).

Билим юрти раҳбари номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади: ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 6 дона фотосурат (3х4 см) Паспорт шахсан кўрсатилади.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ишчилар шаҳарчаси, Барнаул кўчаси 9-уй. Телефон: 48-22-59.

«Ёш куч» журнали таҳрир ҳайъати ва ижодий жамоаси таҳририят ҳуқуқшунос-журналисти **Муҳаммадвали ЛУҚМОНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Дўстимизнинг охирати обод бўлсин.

«Демир» фирмаси ходимлари фирма бош директорининг ўринбосари Наримон Қориевга онаси

Хури ОДИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекистон овози»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:


Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90; Тошкентда— 33-54-55; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 26-37-16; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 00.

1 2 3 4 5 6.